# БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСТИДАН ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Утамбетов Бахрам Сатмуратович**
Мустакил тадкикодчи
baxramutambetov303@gmail.com
**DOI:https://doi.org/10.5281/zenodo.22894372**

**Мавзунинг долзарблиги:** Иқтисодиётни глобаллашуви, интеграцион жараёнлар, инновацион жадаллик ва кучли рақобат муҳитидаги талаблар ҳисоб-китоблар тизимини ҳам замонавий бизнес қоидаларига мос тарзда такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ҳозирги кунда бюджет ташкилотларида хара жатларни қисқартириш, маблағлардан сама рали ва оқилона фойдаланиш жуда муҳимдир. Бугунги кунда ишлаб чиқилаётган қонунлар ва ундан келиб чиқадиган таркибий ўзгаришлар ҳамда бюджет ташкилотларида ички аудит субъ ектларини ташкилий ва услубий таъминлашни ривожлантириш билан боғлиқ назарий, услубий ва амалий масалаларнинг умумийлиги илмий тадқиқотлар учун энг қизиқ ва долзарбдир.

**Рақамли трансформация:** Анъанавий «ҳужжатли назорат»дан «рақамли ва масофавий аудит» тизимига ўтиш давр талаби ҳисобланади. Бу бюджет маблағлари талон-торож қилинишининг олдини олишда инсон омилини камайтиради.

**Хавф-хатарларни бошқариш (Risk-management):** Назорат органлари ҳамма ташкилотни бирдек текшириши самарасиз. Дастурий таъминот орқали хавф даражаси юқори бўлган вазирлик ва идораларни автоматик аниқлаб, мақсадли аудит ўтказиш тизимини такомиллаштириш зарур.

**Натижадорлик аудитига ўтиш:** Бюджет маблағларининг фақат «қонуний сарфлангани» эмас, балки уларнинг **иқтисодий самарадорлиги** (жамиятга қандай фойда келтиргани, режадаги мақсадларга эришилганлиги) биринчи ўринга чиқмоқда.

Давлат бюджети ижросини назорат қилишда **суний интеллект ва блокчейн** технологияларига асосланган "Smart Control" моделини таклиф этиш.

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматларининг мустақиллигини таъминлаш бўйича янги ташкилий-ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш.

"Давлат молиявий назорати тўғрисида"ги қонун нормаларини тизимлаштириш ва халқаро **INTOSAI** стандартларига тўлиқ мослаштириш бўйича услубий тавсиялар бериш лозим.

Президентнинг 10.07.2024 йилдаги "Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-100-сонли Фармони қабул қилинди ва молиявий назоратни такомиллаштириш йўллари белгилаб берилди.

**Рақамлаштириш ва шаффофлик:** Бюджет жараёнларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, маблағларнинг сарфланишини реал вақт режимида кузатиб бориш имконини берувчи махсус дастурий платформалардан фойдаланишни кенгайтириш буйича 325-сон Ҳукумат қарори.

**Ғазначилик назоратини кучайтириш:** Бюджет тизими маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши юзасидан ғазначилик бўлинмаларининг жорий назорат функцияларини янада ошириш.

**Ички аудит хизматини ривожлантириш:** Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат тузилмаларининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда ходимларнинг малакасини ошириш.


© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

**Масъулиятни ошириш:** Бюджет интизомини бузганлик ва маблағларни мақсадсиз сарфлаганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш.

Вазирликлар ва идораларда - бюджет маблағлари тақсимловчиларида ички аудит тизимини такомиллаштириш, шунингдек Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун жамоатчилик иштироки ва назоратини кенгайтириш мақсадида:

Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон консолидациялашган бюджети ижросининг ташқи аудити ўтказилади ва унинг натижалари бўйича тегишли хулосалар тайёрланади;

2025 йилдан бошлаб устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50% ва ундан ортиқ бўлган йирик ташкилотлар фаолияти аудитдан ўтказилади;

стратегик ва ахборот-технологик аудит турлари жорий этилади.

2024 йилдан бошлаб мамлакатнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича дастурларнинг ижроси Ҳисоб палатаси томонидан ҳар йили баҳоланади ва унинг натижалари бўйича Президентга ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобот тақдим этилади.

Бунда биринчи навбатда қуйидагиларнинг ижроси бўйича стратегик ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва натижадорлиги, миллий мақсад ва вазифаларга эришишдаги самарадорлик ва юзага келиши мумкин бўлган хавфлар баҳолаб борилади:

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясини амалга ошириш билан боғлиқ давлат дастурлари;

Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси;

Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ижросининг ташқи аудити натижалари, шунингдек, кейинги йил учун бюджет лойиҳасини баҳолаш бўйича Ҳисоб палатасининг хулосалари Ҳисоб палатасининг масъул вакиллари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида муҳокама қилинади.

2025 йилдан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, шунингдек биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчилари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ҳудудларга тақсимланган маблағлар тўғрисида маълумот тақдим этадилар.

Шу билан бирга, биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчилари Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бюджет дастурларини (мақсадли кўрсаткичлар) ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган молиявий ва бошқа хатарлар рўйхатини, шунингдек уларни бартараф этиш чоралари ҳамда амалга оширилаётган чоралар натижалари тўғрисида ҳар чораклик маълумотни тақдим этадилар.

2025 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик ташкилотларда уларнинг биринчи раҳбарлари бошчилигида хатарларни бошқариш бўйича қўмиталар коллегиал асосда ташкил этилади. Бунда ушбу ташкилотларнинг ички аудит хизматлари ҳам қўмиталарнинг ишчи органи ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмасида ҳудудий солиқ органларининг штат бирликлари сонини оптималлаштириш ҳисобидан камида 1-2 нафар ходимдан иборат ички аудит хизматлари ташкил этилади.



© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Ҳисоб палатаси ходимларининг белгиланган умумий штат сони доирасида қуйидагилар ташкил этилади:

"Big Data" технологиялари асосида катта ҳажмдаги маълумотларнинг хавф-хатар таҳлилини амалга оширувчи Давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит хизматларининг масофавий назорати идоралараро маркази;

Мудофаа комплекси ва ҳуқуқ-тартибот органлари харажатлари аудити сектори;

Халқаро стандартлар асосида давлат аудитини ташкил этиш сектори;

Тадқиқот, эксперт-таҳлил ва ўқув маркази.

Ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

Ўзбекистон Ҳисоб палатаси Ҳайъати таркиби;

Давлат бюджети ижроси устидан молиявий назоратни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури;

Ҳисоб палатасига ўз маълумотлар базалари ва ахборот тизимларига реал вақт режимида кириш имкониятини берадиган, шу жумладан Ҳисоб палатасининг электрон сўровномаси асосида маълумот тақдим этадиган вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва ташкилотлар рўйхати;

"Масофавий аудит" ахборот тизими орқали тақдим этилган хавф таҳдидларини Ҳисоб палатаси томонидан бошқариш схемаси.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Khusniddin, E., & Mahammadsidik, A. (2022). Tourism Development for Baysun SPA in Uzbekistan as a New Destination. European Journal of Life Safety and Stability (2660 9630), 14, 96-100.
2. Maxamadumarovich, U. A., Obrenovic, B., & Amonboyev, M. (2012). Understanding the innovation concept. Journal on Innovation and Sustainability RISUS, 3(3), 19-26.
3. Mahamasiddiq, A. (2018). Establishing Stock Market Attractiveness and Investment Infrastructure in Uzbekistan through Effective Implementation of Corporate Governance Mechanisms. International Journal of Innovation and Economic Development, 4(1), 19-28.
4. Amonboev, M., & Khalilov, S. S. (2019). Main directions and prospects for the development of tourism industry. Economics and Innovative Technologies, 2019(3), 38.
5. Madrahimovich, R. N., & Mahammadsidik, A. (2016). Corporate Governance and Development: The Case of Uzbekistan. Journal of International Business Research and Marketing, 1(6), 31-36.



© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.